



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2016 йил 11 август, № 155 (6590)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ



Шу боис мамлакатимизда ўтган қисқа даврда мазкур соҳадаги қонунчилик асослари мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни соддалаштириш ҳамда уларнинг

фаолият юритишини энгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб жойларда

“ягона дарча” марказлари фаолияти йўлга қўйилиши ҳам ишбилармонларга яратилаётган қулайликлар сирасидандир. Бунинг амалий самараси турли соҳалардаги юқори ўсиш

суръатларида кўзга яққол ташланади. Чунончи, Хоразм вилоятида жорий йилнинг ўтган олти ойида ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 61,7 фоизга етиб, тадбиркорла-

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожига инвестициянинг аҳамияти беқиёс. Кейинги йилларда юртимизда чет эл сармояси иштирокида замонавий корхоналар фаолияти йўлга қўйилаётгани замирида ҳам ана шу мақсадлар мужассам.

Албатта, шаҳару қишлоқлар равнақини энг илғор технологиялар билан жиҳозланган саноат субъектларисиз тасаввур қилиш мушкул. Бу орқали аҳоли эҳтиёжидан ортган маҳсулотларнинг бир қисми жаҳон бозорига чиқарилаётгани эса янада қувонарлидир.

ИНВЕСТИЦИЯ

римиз саяй-ҳаракати билан 23 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил қилинди.

Бунда Урганч шаҳридаги “Megaferra” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. 2009 йили 310 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция ҳисобига иш бошлаган ушбу корхона Италия ҳамда Германия технологиялари билан жиҳозланган. Жамоада ишлаётган 42 нафар ишчи-мутахассиснинг 90 фоизи касб-хунар коллежларини битирган йигит-қизлардир.

(Давоми 2-бетда).



«Ўзбекистон ишончли ва барқарор ҳамкоримиздир»

Тобора яқинлашиб келаётган қутлуг байрамимиз — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлар вакилларида халқимиз номига йўлланган табриқлар келиши давом этмоқда. Уларда самимий тилақлар билдирилиб, республикамиз тараққиёти хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган.

Херберт ДОРФМАНН, Европа парламенти депутати, Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича делегацияси аъзоси:

— Мен Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, энг аввало, халқ фаровонлигини юксалтириш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган ислохотлардан яхши хабардорман. 2009 йилдан буён Европа парламентидаги фаолиятим доирасида ўзбек ҳамкасбларим билан қатор учрашув ва музокараларда иштирок этиш, республикада босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётган ўзгаришларнинг эътиборга молик натижалари билан танишишга муваффақ бўлганман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган ривожланиш стратегияси ҳам ашёга асосланган марказлашган иқтисодидан бозор муносабатларига ўтиш имконини берди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга, халқаро ҳамкорлиқни, шу жумладан, Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга эришди. Республиканинг Европа давлатлари билан ҳамкорлиги ҳақида тўхталар эканмиз, ўзаро алоқалар иқтисодий жабҳада бўлгани сингари таълим, илмий алмашувлар, саноат соҳаларида ҳам фаол ривожланиб бораётганини қайд этишни истар эдим. Ўзбекистон ишончли ҳамда барқарор шерик ҳисобланади, республика билан кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш икки томонлама фойдалидир, деб ҳисоблайман.

Бутун дунёга машҳур бўлган тарихий шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкентга ҳар бир европалик бориши, мамлакатнинг бой тарихи ҳамда маданияти билан танишиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини мамлакат мустақиллигининг 25 йиллиги билан табриқлаб, янада юксак тараққиёт, фаровонлик ҳамда замонавий демократик давлат қуриш йўлида янги муваффақиятлар тилайман.

Доминик ТИЛЬМАНС, Бельгия faxрий сенатори, EURISY Европа ассоциацияси президенти:

— Суверен ривожланиш йилларида Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислохотлар олиб бориб, кенг қўламли институционал ўзгаришларга, тараққиётга эришди. Қишлоқ жойларда замонавий уйлarning барпо қилинаётгани, мамлакатдаги шаҳарлик бўлмаган аҳолининг ашаш тарзи сифат жиҳатидан янада юқори даражани касб этаётгани республикада олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари қўламининг катталигидан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси, яъни иқтисодиёт, таълим, қишлоқ ҳўжалигидаги ўзгаришлар, изчил демократик ислохотлар, жамият ҳаётининг барча соҳасини либераллаштириш ҳамда модернизациялаш борасидаги натижалар ўзбек халқига мустақил ривожланишнинг 25 йиллик йўли билан ҳақли равишда фарҳалиш имконини беради.

(Давоми 3-бетда).



Қисқа сатрларда

• Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетида ёшларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича уч ойлик дастур бошланди. Унда олий ўқув юртлари талабалари ахборот хавфсизлиги, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт ва йўл инфратузилмаси, тиббиёт, молия ҳамда тўлов тизимлари, тўқимачилик ва мода, таълим, юриспруденция, ресторон бизнеси каби йўналишларни ўз ичига олган IT-лойиҳалари билан иштирок этаётир.

• “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди Корея Республикасининг “Junior Chamber International — JCI” халқаро ёшлар ташкилоти молиявий кўмағида юрагида туғма нуқсонга бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик болаларнинг Жанубий Кореядаги етакчи клиникалардан бирида даволанишини ташкил қилди.

• Қашқадарёда ўтказилган “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” кўрик-танловининг вилоят босқичида 18 — 30 ёшли 140 нафар ишбилармон истиқболли лойиҳалари билан қатнашди. Энг муносиб, деб топилган 30 лойиҳа соҳибига имтиёзли кредит олиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди. 10 нафар истиқболли бизнес-режа эгаси эса танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Чехияда шахмат бўйича ўтказилган “Czech Open — 2016” халқаро турнирида ёш иктидор эгалари — Жавоҳир ва Исломбек Синдоровлар муваффақият қозонди. Хусусан, Жавоҳир катталар билан куч синашганига қарамай, бирор марта ҳам мағлубиятга учрамади. У 9 партиядан 5,5 очко жамғарди. Исломбек 9 учрашувнинг 7 тасида ғалабага эришиб, 2 дуранг қайд этди.

• Хивада ўтказилган “Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи — 2016” савдо ярмаркасида Хоразм вилоятининг полизчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжаликлари ўз маҳсулотларини намойиш қилди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ички ва ташқи бозор талабларини қондиришга йўналтирилган, интеграциялаштирилган эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу мақсадда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, хусусий мулк ҳуқуқи демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти ҳуқуқий пойдеворининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, мустаҳкам ижтимоий институт сифатида мулкка (асосан, хусусий мулкка) нисбатан муносабатнинг ўзгариши жамиятни демократлаштириш ва иқтисо-

дий муносабатларни эркинлаштиришнинг энг муҳим омилли ҳисобланади. Айнан мулкка янгича муносабат орқали жамият ҳуқуқий таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожига муҳим босқични бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони ижроси доирасида иқтисодиётимизда хусусий

қасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”-ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ҳамда бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа ривожига муҳим босқични бошлаб берди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони ижроси доирасида иқтисодиётимизда хусусий

мулк, чунончи, хорижий капитал иштирокидаги хусусий мулк улушини янада кўпайтириш учун қулай шароит яратилмоқда.

Шу билан бирга, хусусий мулкдорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган дастур ҳам тасдиқланди. Унда, жумладан, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашш ҳамда тўсиқлиқ қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун мансабдор шахслар жавобгарлигини жинойи жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш чоралари белгиланган. Мазкур ҳужжатда хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жинойт қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).



Ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар таҳлил қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан мустақиллик йилларида миллий ахборот соҳасининг ривожланишига бағишланган семинар ташкил этилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Тадбирда Ўзбекистон алоқа тарихи музейида кўргазма стендларига қўйилган экспонатлардан фойдаланган ҳолда, истиқлол йилларида ахборот соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришлар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, мустақилликка эришганимиздан сўнг барча соҳа қатори ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий-ташқилий ҳамда моддий-техника база-

сини мустаҳкамлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилди.

Бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишнинг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилди.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бош-

қаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунлар, Президентимизнинг соҳага доир Фармон ҳамда қарорлари тармоқ ривожини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаяпти. Мазкур қонун ҳужжатлари ижроси натижалари, кўплаб халқаро экспертларнинг фикрига кўра, ижтимоий муносабатларда демократик тамойилларни кенг жорий этишда, иқтисодиёт тармоқларининг изчил ривожланиши ва самарадорлигининг ошишида яққол ифодасини топаётир.

Пировардида Ўзбекистон қисқа давр мобайнида миллий АКТ инфратузилмаси, малакали кадрлар тайёрлаш моделига эга бўлди.

(Давоми 3-бетда).



Мустақил тараққиётимизнинг мустаҳкам таянчи

Бугун дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётган “Ўзбек модели” замирида инсон ва унинг манфаатлари устуворлиги ўз ифодасини топган. Инсон манфаатларини таъминлаш эса, аввало, унинг тинч ҳамда осойишта ҳаёт кечиришдек олий ҳуқуқини рўёбга чиқариш, жамиятда барқарорлиқни сақлаш, миллати, ирки, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир шахснинг муносиб яшashi учун барча шароитни яратишни тақозо қилади.

ИФТИХОР

Айнан тинчлик ва барқарорлик эзгу орзу-умидларимиз гарови, узокни кўзлаб олиб борилаётган демократик ислохотларнинг туб негизидир.

Шу қунларда юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғига борманг, мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига қизгин тайёргарлик кўрилаягани, кенг қўламли бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари ҳамжихатликда олиб борилаётганига гувоҳ бўласиз.

Мухими, каттаю кичик тилида шукроналик, қалбда хотиржамлик, Ватан равнақига дахлдорлик ва шижоат ҳисси мужассам.

Кўпни кўрган халқимиз ҳаммаша тинчлик-омонлиқни энг бебаҳо неъмат сифатида қадрлайди. Айниқса, дунёдаги вазият тобора таҳликали тус олаётган ҳозирги даврда осойишталикнинг қадрини янада теран ҳис этмоқдамиз. Албатта, шундай мураккаб

бир даврда осуда ҳаётни таъминлаш осон эмас. Юртимизда тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада олиб борилаётган саяй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганини ҳар биримиз ён-атрофимиздаги, турмушимиздаги, онгу шууримиздаги ўзгариш ва юксалишлар мисолида яққол кўриб турибмиз. Ваҳолонки, чорак аср олдин, аникроғи, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида чўқур инқироз ичида қолган республикамизда биринчи галда тинчлик ҳамда барқарорлиқни сақлашга эришиш долзарб вазифага айланган, мустабид тузумнинг туғаб бораётган “умри” барча соҳани чексиз муаммолар гирдобига ташлаганиди.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ҳамда лицензиялаш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада сод-далаштириш вазифаси белгилаб қўйилган. Дастурга биноан, хусусий мулк ва хусусий тадбир-корликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурслари-дан фойдаланишини кенгайти-риш, бизнес юритиш учун мухитни янада яхшилаш бора-сида ҳам зарур шароитлар яратилмоқда.

Бундан ташқари, 2015 йил-

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

нинг 1 июлидан бошлаб ўрна-тилган тартибга мувофиқ, мик-рофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер ҳўжаликлари фао-лиятига оид барча текширув ре-жали тартибда назорат органла-ри томонидан тўрт йилда бир марта, бошқа ҳўжалик субъект-ларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-лаштирувчи республика кенгаши қарорига асосан, уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартиб-да амалга оширилади. Бунда мо-лия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текши-рувлар ўтказиш мuddати 10 ка-лендар кунидан ошмайди. Тад-биркорлик субъектларининг мо-лия-ҳўжалик фаолиятини режа-ли текширишлар фақат сўнгги режали текширувдан кейинги даврни қамраб олиши белгилан-ган. Жиноий ишлар қўзғатилга-ни муносабати билан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-лар томонидан ҳўжалик юритув-чи субъектлар жалб этган адво-катлар қатнашган ҳолда, ҳўжа-лик юритувчи субъект томони-дан ушбу ҳуқуқнинг рад қилиниш ҳолатлари бундан мустасно, амалга оширилади.

Президентимизнинг мазкур Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-сида 2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб давлат, ҳуқуқни муҳофа-за этиш ва назорат органлари-нинг тадбиркорлик фаолиятинга асоссиз аралашуви бўйича му-рожаатларни туну кун қабул қиладиган марказ фаолият кўрсатмоқда.

Бош прокуратура томонидан ушбу марказ фаолиятини тартибга соладиган низоm тасдиқланди. Мурожаатларни тезкор кўриб чиқиш мақсадида 34 та вазирлик ҳамда идоранинг тегишли хизматлари билан бевосита aloқа йўлга қўйилди. Илгари Бош прокуратурага ке-либ тушган мурожаатлар 3-4 кун ичида кўриб чиқиш учун тегиш-ли идораларга юборилган бўлса, энди бу масала атиги бир неча дақиқада амалга оширилмоқда.

Жисмоний ва юридик шахс-

лар мурожаатларини қабул қила-диган операторларнинг 5 киши-дан 12 кишига қўпайтирилгани мазкур жараёни сезиларли ра-вишда тезлаштириш имконини берди. Масалан, 2015 йилнинг июль ойида марказ 2 мингдан ортқк мурожаатни қабул қилган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони ҳар oйда ўртача 9 минг-тадан oшди.

Марказ ташкил этилганидан буюн 80 мингга яқин мурожаат-ни қабул қилди. Уларнинг қарийб 64 мингдан ортиги кўриб чиқил-ди, 15 мингдан oшиқ мурожаат қаноатлантирилди ва 46 минг-таси бўйича асосли тушунтириш-лар берилди. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, судларга қиймати 23,1 миллиард

ўзгартиш ва қўшимчалар кири-тилди.

Қонунда тадбиркорлик фао-лиятига тўсқинлик қилгани ёки ноқонуний аралашгани учун дав-лат органлари мансабдор шахс-ларининг жавобгарлиги сезилар-ли даражада кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси хусусий мулк ҳуқуқлари кафолатини кўчайти-радиган “Тадбиркорлик фаолият-ига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашуш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда ҳўжа-лик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларига таъжовў қиладиган бошқа жиноятлар” деб номланган янги бoб билан тўлдирилди.

Қонунда хусусий мулк

диган норма ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва савдо қондала-риш бузгани учун жавобгарлик жиноий юрисдикциядан маъму-рий юрисдикцияга ўтказилди. Савдо қондаларини жуда кўп микдорда бузиш жиноятлари бундан мустасно.

Жорий этилган нормалар хусусий мулк устуворлиги прин-ципига тўла мос келади ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркин-лигини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Прокуратура органлари томо-нидан бу борада ўтказилган на-зорат тадбирлари давомида ҳуқуқни муҳофаза этувчи, назо-

Назорат органлари ходимла-ри томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тартибини бузиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Масалан, Фаргона вилояти дав-лат архитектура-қурилиш нazo-рати инспекцияси мутахассиси Ф. Хожиев Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқ-лаштирувчи кенгашининг розили-гини олмасдан, “Фаргона Турон текстиль” МЧЖда ноқонуний текшириш ўтказган. Мазкур ҳолат юзасидан айбдор маъму-рий жавобгарликка тортилган.

Афсуски, бундай ҳолатлар кам эмас.

Уларнинг олдини олиш мақ-садида прокуратура органлари-нинг эътибори давлат органла-

ва идоралар, шунингдек, маҳал-лий ҳокимликлар ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳў-жатларнинг амалдаги қонунлар-га мос бўлишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқларини таъмин-лаш мақсадида Бош прокурату-ра томонидан “Юридик хизмат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг мақсади давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқа идораларнинг юридик хизмати-даги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Тадбиркорлик субъектлари-нинг ҳуқуқий ҳимоясини таъмин-лаш мақсадида 2016 йил 15 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ташаббуси билан манфаат-дор вазирлик, идоралар, маҳал-лий давлат ҳокимияти органла-ри, оммавий ахборот воситала-ри ва тадбиркорлик субъектла-ри вакиллари иштирокида ви-деоконференция ўтказилди.

Унда мамлакатимизда тад-

биркорлик фаолияти эркинлиги-ни кафолатловчи янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” та-мойили бўйича давлат хизмат-лари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги қарори ижро-си муҳокама қилинди.

Тадбир давомида мамлакати-мизда тадбиркорлик субъектла-рини қўллаб-қувватлаш, улар-нинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ба-заси яратилганлиги, кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошири-лаётганлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, тадбирда тадбиркорликни жадал ривож-лантиришни таъминлашнинг амалий ҳамда ҳуқуқий механиз-ларини янада такомиллаштириш бўйича фикр алмашилиб, мутасадди идораларга аниқлан-ган муаммоларни бартараф қилиш бўйича зарур чоралар кўриш ва қонунчиликка ўзгартиш киритиш борасида тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш юзаси-дан кўрсатмалар берилди, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучай-тиришга қаратилган чора-тад-бирлар белгиланди.

Прокуратура органлари маъ-мурий ресурсдан тадбиркорлик субъекти фаолиятига аралашши мақсадида ноқонуний фойдала-ниш бўйича ҳар қандай уриниш-ларнинг олдини олиш, айбдор-ларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш чо-раларини қатъий равишда кўриб борадилар. Чунки биз, соҳа хо-димларининг асосий мақсади ҳамда бурчи давлат томонидан кўрсатилаётган ёрдамдан тад-биркорларимизнинг тўлиқ фой-даланиши, турли бўғиндаги амалдор ёки текширувчилар уларнинг мулки ва бизнесига даҳл қилишига йўл қўймаслик-дан иборат.

Улўбек СУННАТОВ,
Бош прокурор ўринбосари —
Қонунчилик ижроси
устидан назорат
Бош бошқармаси бошлиғи.

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Ташаббус ва имконият

Самарқанд

Нарпай туманидаги “Сало-матлик” масъулияти чеклан-ган жамияти аҳоли дастурхо-нига 15 турдаги сут махсу-лотларини тортиқ этмоқда. Кунига 5 тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга мазкур корхонада ҳозир 22 киши иш билан банд.

— Тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтира-япмиз, — дейди МЧЖ раҳба-ри Сайфулла Ибодов. — Хусусан, ўтган йили банкнинг 350 миллион сўмлик креди-ти ҳисобига музлатич қаме-раси ҳамда қуюқ сут ишлаб чиқариш технологияларини харид қилгандик. Яқиндан бошлаб бу ерда макарон ва қолипли нон тайёрлашни йўлга қўйдик. Келгусида модернизациялаш ишларини изчил давом эттириб, маҳ-сулотларимиз турини янада қўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ички бозорда харидоргир

Сурхондарё

Шўрчи туманидаги “Шўр-чидонмахсулотлари” акция-дорлик жамияти қошида фаолият юритаётган шўьба корхонада тайёрланаётган 5 хилдаги гўшт, 8 турдаги сут махсулотлари ҳамда 6 хил-даги ширинликлар ички бозорда ўз харидорларини топиб улгурган.

— Муваффақиятларимиз қўлами кенгайишида хориж-дан келтирилган дастгоҳ ва ускуналарнинг аҳамияти кат-та бўлмоқда, — дейди кор-хона раҳбарининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Сирожиддин Қобилов. — Йил якунига қадар янги лойиҳа-ларни амалга ошириш ҳисо-бига яна 30 та иш ўрни яра-тишни режалаштирагмиз.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Оилавий корхонанинг спорт жиҳозлари

Наманган

Чортоқ шахрининг Алишер Навоий номидаги маҳалласи-да истикомат қилувчи Эркин-бой Мамасолиев — қўлигул қосиб. У яқинда хунарманд-чилик асосида оилавий корхона фаолиятини йўлга қўйди.

Айни пайтда жамоа, асосан, боксчилар учун мах-сус қоп, кўпқоп, шлем ва бошқа турдаги спорт жиҳоз-лари тайёрлаш билан шуғул-ланмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида истеъмол бозорига улар томонидан 8 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот чиқарилди.

— Фаолиятимизни кенгай-тириш мақсадида банкдан 52 миллион сўм микдорида имтиёзли кредит олдик, — дейди Э. Мамасолиев. — Шу мabлағ эвазига хориждан 4 та тикув машинаси сотиб олдик. Ҳадемай янги дастгоҳ-лар ишга туширилгач, қувват-лар ортади. Бу орқали йил охиригача яна 80 миллион сўмлик маҳсулот тайёрла-шни режалаштирганимиз.

Лойиҳа амалга ошиши би-лан оилавий корхона махсу-лотлари тури ҳам қўпаяди. Жумладан, қаратё кимноси ҳамда боксчилар учун махсус кийимлар тикиш ўзлаштири-лади. Ҳозирданок спорт мак-таблари ҳамда касб-хунар коллежларидан ушбу махсу-лотлар учун буюртмалар келиб туша бошлади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДАВР

ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ҳамда молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тар-тибини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ёки уларнинг банклардаги ҳисобва-рақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхта-тиб туриш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, лицензиялаш тўғри-сидаги қонун ҳужжатларини ҳамда рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни файриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллаш-га тўсқинлик қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳамда бошқа ташкилотларга пул маб-лағлари беришни асоссиз ра-вишда кечиктириш, тадбиркор-лик субъектларининг ҳисобва-рақларида пул маблағлари мав-жудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш каби хатти-ҳаракат-лар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Масалан, “Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш” тўғрисидаги моддада назорат, ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи ва бошқа давлат органи ҳамда давлат ташкило-тининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқини бузиш йўли билан уларга зарар етқа-зиш, яъни мулк ҳуқуқини қонун-га хилоф равишда чеклаш ва ун-дан маҳрум этиш каби жиноят-ларни катта микдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш белгиланган.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш шаклидаги ҳуқуқбузарликни би-ринчи марта содир этган шахс, агар солиқ текшируви матери-алларини кўриб чиқиш натижа-лари юзасидан давлат солиқ хизмати органи қарорини олга-нидан сўнг ўттиз кун ичида дав-латга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пенялар ҳамда бошқа молиявий санкцияларни тўлаган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилинишини назарда тута-

рат ва бошқа давлат органлари ходимлари томонидан содир қилинган 17 мингдан ортқк қонунбузилиш ҳолатлари аниқ-ланди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқо-нуний текшириш ҳамда унга ара-лашиш билан боғлиқ 1200 дан зиёд ҳолат аниқланиб, ноқону-ний 2600 дан ортқ қарорга про-тест келтирилди, қонунбузилиш-ни келтириб чиқарган сабаб ва шартларни бартараф этиш тўғрисида 671 тақдимнома киритилди. 1500 дан зиёд ман-сабдор шахс маъмурий ёки ин-тизомий жавобгарликка тортил-ди. 280 дан ортқ жиноят иши қўзғатилди. Бунинг натижасида 10353 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай қонунбузарликларнинг аксарияти банк сектори, жойла-рдаги давлат ҳокимияти органла-ри, меҳнат, рақобат, архитекту-ра-қурилиш, солиқ идоралари ҳамда бошқа ташкилотларда содир этилгани аниқланди.

Назорат тадбирлари давоми-да прокуратура органлари томо-нидан аниқланган яна бир қанча ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ҳам келтириб ўтиш ўринлидир. Масалан, Ўзбекистон Республи-касининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ра-қобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳуду-дий бошқармаси бўлим бошлиғи У. Пардаев “Туркистон универ-сал УСБ” МЧЖ иш юритувчиси А. Ариповдан жамиятга нисба-тан фуқаро Х. Носирова томо-нидан ёзилган аризани кўриб чи-қмаслик эвазига 2000 АҚШ долла-ри микдорида пора талаб қилди. Ўтказилган тезкор тадбирлар да-вомида бу тамағир шахс пора олиш чоғида Ўзбекистон Респу-бликаси Бош прокуратураси ҳузу-ридаги Солиқ, валютга оид жи-ноятларга ва жиноий даромадлар-ни легаллаштиришга қарши кура-шиш департаменти ходимлари то-монидан қўлга олиниб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди. Айни пайтда мазкур иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.



ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар томонидан тайёрланаётган 70 дан ортқ турдаги идора, ётоқхона, ошхона ме-беллари республикамизнинг турли ҳудуд-ларига етказиб берилаяпти. Ўтган йили “Megasfera”нинг 3 та савдо уйи орқали 1 миллиард 500 миллион сўмлик маҳсулот сотилган бўлса, жорий йилда бу кўрсат-кини 20 фоиз ошириш кўзда тутилган.

— Тадбиркорлик доимий изланиш, янгиликка интилиш ва ташаббускорликни талаб этади, — дейди корхона раҳбари Муроджон Вайсов. — Шундан келиб чиқиб, мебелларимиз рақобатдошлигини ошириш пайидан бўлаяпмиз. Қолаверса, модерни-зациялаш тадбирлари орқали ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириш, сифатини янада яхшилаш ҳамда таннархини арзон-

Мустақил тараққиётимизнинг мустаҳкам таянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Истиклол шарофати билан ўз вақтида қабул қилинган, қучур ўйланган исло-ҳотлар, мустақиллик йўлидаги қатъий позиция, фуқароларимизнинг ижти-моий-иқтисодий аҳолини ўнглаш, машхур беш тамойил асосида мил-лий тараққиёт сари собитлик билан қадам ташлаш осиёишталikka ва бар-қарор ривожланишга замин яратди.

Хусусан, мустақиллик тўғайли ўз харбий сийбятини амалга ошириш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон-нинг миллий армиясига асос солин-ди. 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизда Қуролли Кўчлар Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ҳамда ҳудудий ахли-т-лигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилди. “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий хар-бий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида”ги ҳамда бошқа бир қатор қонунлар ҳаётга татбиқ қилинди.

Бу ҳужжатлардаги меъёрлар тўлиқ ижро этилиши натижасида юртимиз мудофаа қобилияти юксалди. Муса-фо осмонимиз, хавфсизлигимиз, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва хал-қимиз осийшхалининг муҳофаза қилишга қодир армиямиз шаклан-ди. Харбий таълим соҳасини ривож-лантириш, мuddатли харбий хизмат-га чакирувни ташкил этиш, Қуролли Кўчлар таркибини салоҳиятли кад-рлар билан тўлдириш, қўшинларни за-монавий қурол-ароғ ҳамда харбий техника билан таъминлашни такомил-лаштириш баробарида, харбий

хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қув-ватлаш чора-тадбирлари кўрилди. Миллий армиямиз ёшларнинг ирода-сини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбия-лайдиган жасорат ҳамда матонат мактабига айланди.

Сенатор сифатида жойларда хар-бийлар, уларнинг ота-оналари билан мунтазам учрашиб туриамиз. Ота-она-лар, айниқса, нуроний юртдошлари-миз йигитларни армияга кузатиш ўзлари учун қувончли, бир умр ёдда қоладиган тадбирга, таъбир жоиз бўлса, байрамга айланиб кетишини таъкидлашади. Чунки бугун харбий хизматни ўташ ҳар бир йигит учун шарафли вазифага айланган. Чорак аср муқаддам йигитлар узoқ ўлкалар-га жўнатилган бўлса, бугун мuddатли харбий хизматга тиббий, жисмоний, интеллектуал кўриклар асосида са-ралаб олинган йигитлар ўз юртимиз-да, она-Ўзбекистонимизда бурчлари-ни ўташмоқда.

Миллий армиямизни ислоҳ қилиш жараёнида харбий хизматнинг ёшлар орасида нуфузини оширишга алоҳи-да эътибор қаратилаётганида ҳам улкан мақсад ва маъно муассасам, албатта. Собиқ иттифoқ даврида армиядаги оғир вазият, камситилиш ҳамда қийинчиликлардан фарзандлар ҳам, ота-оналар ҳам зада бўлгани ҳали кўпчиликнинг ёдида. Уша пайт-да ота-оналар фарзандини харбий хизматдан олиб қолиш учун ҳамма нарсага тайор эди. Энди-чи? Айни пайтда Қуролли Кўчларимиз сафида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзуси. Улар шунга астойдил

Фаррух ДАДАХЎЖАЕВ,
Олий Мажлис Сенати
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси.

Шомурот ШАПАГОВ олган сурат.

«Ўзбекистон ишончли ва барқарор ҳамкоримиздир»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, Ўзбекистон ҳам худди Бельгия сингари кўп ишларни амалга оширмоғи лозим, чунки эришилган даража катта имкониятлар эшигини очмоқда. Шубҳа йўқки, республикада ҳукм сураётган сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлараро ҳамда динлараро ҳамжиҳатлик бундан кейинги ривожланишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Юртингиз аҳлини юксак марралар кўлга киритилгани билан табриклайман, олдинда турган вазифаларнинг амалга оширилиши йўлида энг эзгу тилакларимни билдираман.

Патрисия ЛАЛОНД, Европа прогнозлаш ва хавфсизлик институтининг катта илмий ходими (Франция):
— Мамлакатингизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, ўлканинг замонавий тараққиётида аҳолининг иштирокини фаоллаштиришга ҳамда кенгайтиришга кўмаклашадиган фуқаролик жамияти институтларининг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Аёллар фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни

ҳамда мақомини оширишга кўмаклашадиган салмоқли ўзгаришлар алоҳида эътирофга сазовордир.

Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллик юбилей санаси муносабати билан республика аҳолисини чин дилдан табриклайман ва бардавом тинчлик, кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Зильке ДОБРОНСКИ, “Kulturring in Berlin e.V.” ташкилоти аъзоси (Германия):
— Ўзбекистон мустақиллик йилларида арзирли ютуқларга эришди. Мамлакатингизда сайёҳликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Бухорода ўтказиладиган “Ипак ва зираворлар” халқаро фестивали ажойиб анъанага айлангани ҳақидаги маълумотлар менда алоҳида қизиқиш уйғотган. Бундай маданиятлараро анжуманларнинг ташкил қилиниши хорижий элларда ўзбек халқининг бой меросини ўрганишга бўлган интилишни янада оширишга ҳамда маданий мулоқотнинг бўйлаб-қувватланишига кўмаклашиши, шубҳасиз. Ақин вақт ичида Бухоро ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига боришга

муяссар бўламан, деб умид қиламан.

Ушбу ажойиб имкониятдан фойдаланган ҳолда, тобора яқинлашиб келаётган байрам — Мустақиллик куни билан барча ўзбекистонликларни муборакбод этарканман, ўзимнинг самимий изҳорларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Пак Ки ПУНГ, Корея Республикаси Пудратчилар халқаро ассоциациясининг раиси:
— Республикангизда саноатни ривожлантириш, унинг тизимларини янгилаш бўйича эришилган ютуқлар менда катта таассурот қолдирди. Юқори технология асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилиши, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви ҳамда диверсификациялашгани эътиборга лойиқ. Бу ўзбек иқтисодиётининг рақобатдошлиги ошишига кўмаклашади. Мамлакатда самарали сармоявий сиёсат ҳаётга татбиқ қилинаётгани туфайли бундай натижаларга эришишнинг имкони бўлди, деб ўйлайман.
Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида яқин ҳамда дўстона алоқалар мавжуд. Жанубий Корея компаниялари газ-кимё заводлари, электростанциялар, инфратузилма объектлари барпо этиш лойиҳа-

ларини амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Жанубий Кореянинг барча қурилиш компанияси номидан меҳмондўст ўзбек халқини яқинлашиб келаётган гоят муҳим воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг юбилей байрами билан табриклаш мен учун катта шарафдир. Халқингизга бардавом фаровонлик, бахт-саодат ва мустақкам саломатлик тилайман.

Шин Бом СУК, Сеул миллий университети ҳузуридаги Осиё тадқиқотлари маркази директори:
— Суверен ривожланиш йиллари мобайнида Ўзбекистон турли жаҳалларда зўр муваффақиятларни кўлга киритди. Жумладан, республикада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари, бирлашма ҳамда жамғармалар, қасаба уюшмалари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари сингари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий шароитлар яратилди.
Дўст Ўзбекистон халқини мамлакатингизнинг улуг байрами билан чин қалбимдан табриклайман.

Йе ЯО, Чжэцзян провинцияси Ташқи ишлар департаменти директори (Хитой):
— Кучли ижтимоий сиёсат мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ қилинаётган тараққиётнинг “ўзбек модели”даги муҳим жиҳат ҳисобланади. Хар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни эса алоҳида таъкидлаш жоиз.
Ўзбекистонда ҳар бир йил муайян ижтимоий йўналишга бағишланиши ўта муҳим вазифаларнинг ҳал этилишига ҳамда муҳим ташаббусларнинг бажарилиши юзасидан давлат ва жамиятнинг эътиборини қаратиш имконини яратадики, бу мамлакат тараққиётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. 2016 йил республикада “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг манتيқий давоми бўлди.
Шу нуқтаи назардан, “Save the Children” нуфузли халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп гамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олгани бежиз эмас.
Ўзбекистон болалари ҳамиша жисмонан соғлом, интеллектуал кучли бўлишини тилайман. Мамлакатингиз ахлига яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами кутлуг бўлсин.

«Жаҳон» АА.

Ахборот технологиялари соҳасидаги натижалар таҳлил қилинди

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун юртимиз ёшлари энг илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан бемалол “тиллашиб”, уларни бошқараяпти, кашфиётлар қилмоқда, соҳанинг ижобий ютуқлари барчанинг ҳаётига кириб бораёттир. Мамлакатимизда дастурий таъминот бозори жадал тараққий этапти.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси миллий иқтисодиётимизнинг юқори даромадли муҳим тармоғига, давлат бошқаруви самарадорлигига хизмат қилувчи омилга айланди. Соҳанинг равақ топиши бевосита фуқароларнинг турмуш сифатини яхшилашга йўналтирилган. Эндликда халқимизнинг давлат электрон хизматларидан фаол фойдаланиши, электрон тижорат доирасида махсулотларни сотиб олиш ҳамда буюртмаларни амалга ошириши, электрон тўловлар тизими орқали банк ҳисоб рақамларини масофадан бошқариши кундалик воқеалikka айланди.

Республикада халқаро ахборот тармоқлари-дан фойдаланиш тезлиги сезиларли даражада ошди, мобил алоқа ривожланди, интернетдан фойдаланиш учун аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва миллий дастурий таъминот бозорининг тараққий

этишига замин яратилди. Тадбирда “Электрон ҳукумат” тизимини жорий қилиш, унинг ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш, миллий ахборот макони ҳамда рақамли телерадиоузастиш равнақи ҳақида атрофлича фикр юритилди. Хусусан, Юртбошимизнинг 2013 йил 27 июндаги қарори билан 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури тасдиқлангани соҳа равнақида янги босқични бошлаб берди. Унинг доирасида айни пайтда салмоқли ишлар давом эттирилмоқда. Шунга мос равишда 2 триллион сўмликдан ортиқ телекоммуникация технологиялари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 17 та, “Электрон ҳукумат” маълумотлар базаси ҳамда ахборот тизимлари комплексини яратишда қўл келувчи 30 га яқин лойиҳа амалга ошириляпти.

Депутатлар семинар тингловчиларига парламент томонидан ахборот соҳаси, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил ахборот беришди.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КИЧИК БИЗНЕС

Юртимиз шаҳару қишлоқларида саноат тармоқларининг жадал ривожини туфайли илгари валюта ҳисобида четдан келтирилган товарларнинг аксарияти эндиликда ўзимизда тайёрланапти. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари изчил

амалга оширилаётгани нарх-навони мақбуллаштириш ва сарф-харажатларни камайтириш имконини бераёттир. Қолаверса, ишбилармонларимиз ташқи бозорларга ҳам дадил кириб бормоқда. Бунда ҳудудий дастурлар муҳим ўрин тутаяпти.

Маҳаллийлаштириш лойиҳалари ва амалий самаралар

Хусусан, 2016 — 2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси саноат соҳиятини оширишга доир дастурга мувофиқ, минтақада 671 истиқболли лойиҳани рўёбга чиқариш орқали 14 мингга яқин иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Шу пайтга қадар олиб борилган сая-харажатлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида Оролбўйида яппи ҳудудий махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 триллион 749 миллиард сўмликка етди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 96 фоиз юқоридир. Бинобарин, сервис ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида 78 миллиард сўмлик 1261 лойиҳа рўёбга чиқарилиши туфайли 4756 кишининг бандлиги таъминланди.

Албатта, бундай муваффақиятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Амударё туманилик тадбиркор Жалғас Боймуродов ташаббуси билан ташкил этилган кўп тармоқли “Мангит Инвест плюс” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири.

— Корхонамиз қандо-



Шоурет ШАРАПОВ олган сурат.

латчилиқка ихтисослаштирилган, — дейди унинг иш юритувчиси Соатбой Абдуллаев. — Қирқ беш минг АҚШ доллари ҳисобига харид қилинган технологияларимиз илгори ҳамда тежамкор. Уларни 10 нафар ишчи-мутахассис моҳирлик билан бошқармоқда. Бир кеча-кундузда 6 миллион сўмлик ширинликлар тайёрлаб, савдо нуқталарига етказиб бераёғимиз.

Айни пайтда “Мангит Инвест плюс”нинг 3 — 5 килограммлик ҳажмдаги

полиэтилен идишларга қадоқланаётган хуштаъм неъматлари ички бозорда тобора харидорғир бўлиб бораёттир. Шундан келиб чиқиб, келгусида бу ерда махсулотлар турини кўпайтириш чора-тадбирлари қўриляпти.

Эътиборли жиҳати, Нукус шаҳридаги “Даниярбий”, “Нукус-мироб”, Қонлиқўл туманидаги “Эъзоза-Назий”, Беруний туманидаги “Бобожонов Фафур”, Қораўзақдаги “Қораўзақ МИХ”, Қўнғиротдаги “Устурт сульфат

натрий” сингари масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятдан ҳам ана шундай ижобий мисолларни келтириш мумкин. Муҳими, уларнинг сая-харақати билан минтақа иқтисодиётида юқори ўсиш сурьатларига эришилаёттир. Жорий йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси яппи ҳудудий махсулотда кичик бизнеснинг улуши қарийб 50 фоизга етгани бунинг тасдиғидир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Textile
UZBEKISTAN

TextileExpo
Uzbekistan

13-халқаро кўргазмаси

2016 йил, 7 — 9 сентябрь

Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ».

www.textileexpo.uz

ITE Uzbekistan
Тел. (+998 71) 205-18-18.
E-mail: textile@ite-uzbekistan.uz

ON-LINE
РЎЙХАТДАН
ЎТИНГ

Guvoҳnoma № 3583
11718/11

Uzbekistan Infrastructure
Ferghana Valley

ЎЗБЕКИСТОН ИНФРАТУЗИЛМАСИ
ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
2-халқаро кўргазмаси

2016 йил, 22 — 24 август

Фарғона шаҳри, «Фарғона Автотеххизмат» саломи.

www.infrastructure.uz

ON-LINE
РЎЙХАТДАН
ЎТИНГ

ITE Uzbekistan
Тел. (+998 71) 205-18-18.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

Guvoҳnoma № 3583
11708/11

ХИЗМАТ

Андижон — тарихий обидалар, қадимий осориатикалар, муқаддас қадам-жоларга бой замин. Худудда рўйхатга олинган 371 маданий мерос объекти бугун давлатимиз муҳофазасида. Қолаверса, уларни ўз кўзи билан кўриб, мўъжизалардан ҳайратланиш истагидаги хорижий сайёҳлар сони тобора ортиб бораёпти. Бу эса вилоятда туризмни янада равнақ топтириш, соҳа инфратузилмасини мустаҳкамлашга туртки бераёпти.

Сайёҳлик салоҳияти

Андижон вилоятида ҳам тобора юксалиб бормоқда

Эски шаҳар — Андижоннинг тарихий манзиллари-дан бири. Бу ерда тартиб билан жойлаштирилган хунармандлар расталари "Очиқ осмон остидаги музей" дея таърифланади. Мазкур гўша ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига кирилган.

Худудни айланган киши борки, олам-олам завқ олади. Чунки кўчанинг икки ёқасидаги ҳар бир хонадон кираверишида хунармандчилик дўконлари ўрин олган. Улар хари-дору буюртмачилар билан доимо гавжум. Енги-насидаги устахоналарда ҳам иш қизгин. Бу манзарани кузатиш чет эллик сайёҳлар учун, айниқса, мароқли.

Шаҳардаги Ширмонбулоқ, Имом ота зиёратгоҳлари ҳам Андижон ўтмиши-дан ҳикоя қилувчи манзил-лар сирасидандир. Минг-тепа ёдгорлиги, "Хонтоқ" ва "Фозилмон ота" дам олиш масканларидан қайнаб чи-қаётган зилол сув шифо-бахшлиги билан ажралиб туради. Шу боис бу ерда минглаб километр олисдан йўл босиб келган сайёҳлар-ни учратасиз. Аини пайтда Франция, Япония ҳамда Хи-тоё давлатлари мутахассис-лари ушбу ҳудудларда из-ланишлар олиб боришяпти. Мазкур тадқиқотлар келгусида тарихнинг янги зарваракларини очиши, шубҳасиз.



— Андижонга биринчи марта келишим, — дейди Жанубий корейлик Хван Дае Жунг. — Сафарим да-вомида тарихий маскан-ларни зиёрат қилмоқчи эдим. Муродим ҳосил бўлди. Бу шаҳар менда унутилмас таассурот қол-дирди. Миллий ва замо-навий жозиба уйғунлиги чиндан ҳам ҳайратланар-ли. Маҳаллий хунарманд-лар томонидан тайёрлан-ган каштачилик ҳамда ку-лоллик намуналарини ҳақиқий санъат асарлари-га қиёслаш мумкин.

— Ўзбек ва хитой халқ-ларининг турмуш тарзи, дунёқараши, қадриятлари-да ўхшаш жиҳатлар кўп экан, — дейди хитойлик сайёҳ Лю Цзянь. — Шу маънода, Андижон ахли-нинг меҳмондўстлиги, меҳ-

натсеварлиги ҳамда очик-кўнгиллигига тан бердим. Бу ҳудудда қиска даврда улкан янгиланишлар амал-га оширилибди. Ҳар жаб-ҳада ўсиш суръатлари кўзга ташланади. Мухими, одамлар бугунги ҳаётидан рози, эртанги кунидан кўнгли тўқ. Тараққиётнинг муҳим белгиларидан бири ҳам шу, аслида.

Мамлакатимиз нафақат тарихий ёдгорликлари, балки ўзига хос табиати, ноёб наботот ва ҳайвонот олами билан ҳам дунёга машхур. Бу эса сайёҳлик-нинг муҳим тармоғи — экотуризмни жадал ривож-лантириш имконини бер-моқда. Чунончи, вилоят-нинг Пахтаобод ҳамда Улуғнор туманларидаги сув ҳавзалари бўйида бу борада дастлабки қадам-

лар қўйилган бўлса, Хўжа-обод туманидаги Имом ота зиёратгоҳи ва шу атрофдаги хонадонларда гастрономик туризм кенг кулоч ёймоқда. Пахта-ободдаги Ховоскон ота манзилгоҳи, Хўжатақсим ота қадамжосида эса

лаш йўлга қўйилган. Ушбу муассасаларда йигит-қиз-ларга хорижий тиллардан еттичасини ўрганишлари учун имконият яратилган. Амалиёт машғулотлари эса шаҳардаги энг илгор меҳмонхоналарда ташкил этилаяпти.

— Худудимизда сайёҳ-ликни ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оши-рилмоқда, — дейди "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг Андижон вилояти бўйича вакили Адҳамжон Усмонов. — Муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар қайта чирой очапти. Саккизта сайёҳлик ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида улар хизматидан 599 нафар чет эллик сайёҳ баҳраманд бўлди. Келгу-сида мазкур кўрсаткични янада ошириш мақсадида ёдгорликлар ҳамда диқ-қатга сазовор манзиллар бўйлаб янги йўналишлар ишлаб чиқиш, туристик хизматлар сифатини яна-да юксалтириш режалаш-тирилаяпти.

Сир эмас, бир пайтлар аграр соҳага ихтисослаш-тирилган вилоят мустақил-лик шарофати билан мамлакатимизнинг йirik индустриал марказлари-дан бирига айланди. Ҳозир бу ерда рўёбга чи-қарилаётган истиқболли лойиҳалар самараси на-фақат иқтисодий салоҳия-тимиз, балки аҳоли тур-муш фаровонлигида ҳам ўз аксини топаётди. Бино-барин, андижонликлар ма-даният, спорт, хунарманд-чиликда ўзига хос тажри-ба мактаби яратилмоқда. Туризм соҳасидаги изла-нишу янгиланишлар эса бундай муваффақиятлар кўламини янада кенгайти-ришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Хурсандбек АРАББОЕВ
олган сурат.

Сирдарё томонларда

Коллеж битирувчисининг фермер хўжалиги

Мирзаобод туманилик Элдор Шерқўзиев касб-хунар коллежининг иқтисодий йўналишида олган билимини тадбиркорлик фаолиятида қўллаш бошлади.

У жорий йилда вилоятда қўнчилиқка ихтисослашти-рилган илк фермер хўжалиги — "Сирдарё момиқ куёла-ри"ни ташкил этди. Ёш тадбиркор тузган бизнес-режа тижорат банки томонидан маъқулланиб, 350 миллион сўм микдорига кредит ажратилди. Натижада эски ферма-нинг бир қисми реконструкция қилиниб, кўён боқишга мослаштирилди. Озуқа етиштириш учун 15 гектар ер ажратилди. Шунингдек, Италиядан 110 та наслдор жонивор келтирилди. Ўзтиборлиси, уларни парвариш-лаш муддати қисқа, яъни уч ой бўлиб, шу вақт ичида қўёнлар вазни керакли даражага етади.

— Лойиҳани амалга оширишимизда италиялик мутахассислар ҳам иштирок этмоқда, — дейди ёш тадбиркор. — Яқинда улар хўжалигимизга келиб, қўёнларни парваришлаш ва кўпайтириш бўйича амалий кўмак ҳамда тавсияларини бериб кетишди.

Айтиш лозимки, мазкур хўжалик, ҳадемай, вилоятдаги шу соҳа билан шуғулланувчиларга зотдор қўёнлар етказиб берадиган наслчилик марказига айланади. Етиштири-ладиган пархёз гўшт, тери ҳамда момиқни эса тўлиқ экспортга йўналтириш мўлжалланмоқда.

Мозийдан садо

Сирдарё туманидаги 12 гектардан иборат тарихий манзилгоҳ — Кутдиқизтепада бошланган археологик қазишмалар чоғида Ўрта асрларга оид шаҳар қалъаси девори ва бир қанча сопол буюмлар топилди.

— Экспонатлар ораси-да, айниқса, сопол хонтах-та ост қисмидаги рамз-бе-заклар олимларимизда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Сирдарё вилояти ўлкашунослик музейи ди-ректори Зокир Холдоров. — Аини пайтда у Самар-қанд археология институти катта илмий ходимлари ҳамда вилоятимиз тарих-чилари томонидан ўрга-нилмоқда.

Ўзтиборлиси, бундан

аввалроқ Сирдарё бўйида-ги қадимий Ханка шаҳри ўрнидан ана шундай хон-тахтанинг бутун сакланган намунаси, Эски Ховос тепалигидан эса шамдон-нинг Ҳумо қуши тасвири туширилган тутқичи ва милоддан аввалги III-II асрларга оид ҳосил-дорлик маъбудаси — Анахита ҳайкалчаси топил-ган эди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Тошкент кимё-технология институти

2017 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига

- 02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари.
02.00.17 — Кишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.

Мустақил изланувчиликка

- 02.00.05 — Целлюлоза ва целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш кимёси ва технологияси.
02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар.
02.00.08 — Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
02.00.09 — Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш.
02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.14 — Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси.
02.00.15 — Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси.
02.00.16 — Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари.
02.00.17 — Кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологияси.

Хужжатлар 2016 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Талабгорлар тақдим этадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза;
- илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис);
- фан номзоди бўлмаганлар учун илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- илмий консултантнинг ёзма розилиги;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Батафсил маълумот учун телефон: (0-371) 244-39-81.

Манзил: Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй,

Тошкент кимё-технология институти,

юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

11994/322

ЭЪЛОНЛАР

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ КОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОFAZACИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотла-рини муҳофаза қилиш қондалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рўхсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рўхсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни қўрсатувчи оғохлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан қўчириш, синдириш, қўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чикиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **КАТТИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилди ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудла-рида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисида қўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғлиқ телефон рақамлари:

«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй	(0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабель цехи, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй	(0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40
Иккинчи линия кабель цехи, Янгиёйул ш., Чарикова к., 172-уй	(0-595) 199-19-32, 199-19-31 (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34
Тошкент шаҳар кабель участкаси, Хуштепа 4-тор к., 4-уй,	(0-595) 199-19-36
Пахта кабель участкаси, Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй	(0-595) 177-06-88 (0-595) 177-02-68
Учинчи линия кабель цехи, Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй	(0-595) 177-06-88 (0-595) 177-02-68
Ангрен шаҳар кабель участкаси, Амир Темур к., 2-уй	(0-595) 177-06-84
Бекбод шаҳар кабель участкаси, Х. Ходжимуродов 2-берк к., 18-«А» уй	(0-595) 177-06-84
«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси, Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй	(0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи кабель участкаси, Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй	(0-590) 556-05-58
Иккинчи кабель участкаси, Бешарик ш., Сирдарё к., 9-уй	(0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98
Учинчи кабель участкаси, Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора	(0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-593) 400-40-25
Тўрттинчи кабель участкаси, Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй	(0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони	(0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабель цехи, Гулистон ш., Дўстлик қўрғони	(0-367) 227-00-44 (0-595) 510-10-17
Сирдарё кабель участкаси, Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи	(0-595) 510-10-27
Иккинчи линия техник цехи, Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй	(0-595) 510-10-41
Учинчи линия техник цехи, Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй	(0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41 (0-595) 510-95-26
Кабель участкаси, Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи	(0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-368) 442-68-03, (соат 8.00 — 17.00) (0-368) 442-68-15
«ТТТ» филиали Тўрттинчи боғламаси, Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй	(0-595) 600-12-02, (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (0-365) 223-38-37, (0-595) 600-60-15 (0-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси, Бухоро ш., Гиждудов к., 69-уй	(0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29
Линия кабель цехи, Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй	(0-595) 601-43-86
«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси, Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй	(0-595) 601-43-84
Тўртқул кабель участкаси, Тўртқул ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-595) 601-43-84
Тўртқул кабель участкаси, Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-595) 601-43-84
Қўнғирот кабель участкаси, Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-595) 601-43-67 (0-595) 601-05-28, 601-14-97
«ТТТ» филиали Ўзбекистон боғламаси, Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй	(0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34
Линия техник цехи, Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй	(0-595) 505-05-41, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) (0-375) 221-17-25, (0-595) 505-05-23 (0-375) 505-05-13, (0-595) 506-81-68 (0-375) 552-11-67
«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси, Урганч ш., Дўсов к., 2-уй	(0-595) 602-22-18, 602-22-13 (0-362) 223-36-58,
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Навоий ш., Сабоҳат к., 2-«Б» уй	(0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21
Биринчи линия техник цехи, Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи	(0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54
Биринчи кабель участкаси, Гиждудов ш., Говшон қишлоғи	(0-595) 603-33-25
Иккинчи кабель участкаси, Учкудук ш., ДЭУ қўрғони	(0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35 (0-595) 603-31-32, 610-69-89
Нурота кабель участкаси, Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй	

1608/66

Ўзбекистон Республи- каси Конституциявий сули жамоаси Конституциявий суд раисининг ўринбосари Бўриғош Мустафавва онаси	Тошкент молия институти ректорати ва Касаба уюлма- си Ўзбекистон тарихи кафе- драсининг собиқ профессори Махмуджон СОДИҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент давлат юридик университети жамоаси Тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи) кафедраси доценти Нурали Қўшаевга отаси Махмуд ҚўШАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
---	---	--

МушАР аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан сақланганлиги.	• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳих — С. Исмолов.
---	---

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда